

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

**Таҳрир ҳайъати**

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

**Таҳририят кенгаши**

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Ғ.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>У.Ҳамдамов</b>	
Истиқлол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида) .....	198
<b>О.Холматов</b>	
XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси .....	202
<b>Г.Ҳайдарова</b>	
Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий аънаналари .....	205
<b>Ҳ.Раҳматжонова</b>	
Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик .....	210
<b>Н.Мўминова</b>	
Халқ инонч айтимлари хусусида .....	213
<b>А.Муҳиддинов</b>	
Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги .....	216
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши .....	219
<b>Ҳ.Сотвалдиева</b>	
Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари .....	222
<b>Н.Ҳамраев</b>	
Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили .....	225
<b>Ш.Асқарова</b>	
Ўзбек-немис билингвизмида интерференция ҳодисалари .....	228
<b>З.Тўйчиева</b>	
Ўзбек тилида исм танлаш масалалари .....	232
<b>Р.Ҳамдамов</b>	
Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида ифодалаш муаммолари .....	235
<b>Д.Исроилова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида маданиятлараро компетенцияни шакллантириш .....	238
<b>Ф.Анварова</b>	
Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда машқлардан фойдаланиш .....	242
	<b>ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ</b>
<b>Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби</b> .....	245
<b>Мукаррам инсон ёди</b> .....	248
	<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>
<b>Библиография</b> .....	250

УДК: 372.65+411

ЧЕТ ТИЛИ ИЛК ЎРГАНУВЧИЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛАРНИ  
БАРТАРАФ ҚИЛИШДА МАШҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УПРАЖНЕНИЙ ДЛЯ УСТРАНЕНИЯ ПРОБЛЕМ У НАЧИНАЮЩИХ  
ИЗУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

USE OF EXERCISES TO ELIMINATE PROBLEMS IN EARLY LEARNERS OF FOREIGN  
LANGUAGE TEACHING

Анварова Ферузабону Анваровна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Анварова Ферузабону Анваровна – Фаргона давлат университети талабаси.

**Аннотация**

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларига чет тилини ўргатиш пайтидаги муаммолар кўрсатиб ўтилади. Ўқитувчи қандай қилиб тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириши лозимлиги ҳақида сўз юритилди.

**Аннотация**

В статье освещаются проблемы преподавания иностранного языка учащимся начальных классов. Речь также идет о том, как учитель может развивать навыки слушания и понимания.

**Annotation**

This article highlights the challenges of teaching a foreign language to primary school students. It also reveals the issues how a teacher can develop listening and comprehension skills.

**Таянч сўз ва иборалар:** товушлар, бўғин, орфографик саводхонлик, талаффуз, декодлаш, инкодинг, аналитик фоникс, графофоникс.

**Ключевые слова и выражения:** звуки, слоги, орфографическая грамотность, произношение, декодирование, инкодирование, аналитическая фоника, графофоника.

**Keywords and expressions:** sounds, syllables, spelling literacy, pronunciation, decoding, encoding, analytical phonics, graphophonics.

Ўзбекистонда бугунги кунда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотлар, айниқса, ривожланган давлатларнинг тажрибаларини мамлакат ҳаётига татбиқ этиш, бунинг учун, албатта, қай бир соҳа вакили бўлмасин, унинг чет тилларини яхши билиши давр талабига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарияти томонидан чет тилини ўргатувчилар ва ўрганувчиларга ўзига хос имкониятлар яратилмоқда. Юртимиз мустақилликка эришгач, инглиз тилини ўрганишга эътибор янада кўчайди. Ҳозирги кунда юртимиз таълим муассасаларида чет тили дарслари замонавий педагогик технологияларга асосланган ҳолда ўтилмоқда. Шунга мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини мукамал ўргатишда турли методлардан фойдаланилган ҳолда машғулотларни олиб бориш яхши самара бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги инглиз тилини ўрганишни

такомиллаштиришга доир қарори жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этган дастлабки меъёрий ҳужжатлардан бири бўлди.

Бугунги кунда чет тилини ўқитишга бўлган эътибор кўчайиб бормоқда. Айниқса ёш авлодни чет тили кўникмаларига эга бўлиши муҳим бўлиб бормоқда. Шу сабабли чет тилини ўргатишнинг қулай йўллари кенг оммалашмоқда.

Инглиз тилида ўқишни ўргатишнинг ўзига хос талаблари мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўз компетенциясини ривожлантиришда уларни эътиборга олиши лозим. Бунга қуйидагилар қиради:

- инглиз тилининг товушлари, ҳарфлари ва уларнинг ёзувда ифодаланишнинг ўзига хос йўналишларини эътиборга олиш;

- ўқувчининг товуш, ҳарф, бўғин, сўз ва гапнинг ўзаро алоқадорлиги, уйғунлиги, яхлитлигини тўғри идрок этишига ўргатиш;

- орфографик саводхонликни ривожлантиришда товушларнинг тўғри талаффуз қилинишига, бола нутқининг ривожланиши ва ўсишига ижобий таъсир кўрсатиш.

Бизга маълумки, инглиз тилида ҳарфларни ўргатиш билан бирга талаффузни ҳам ўргатиш керак ҳисобланади. Ўқишни ўргатишнинг турли усул, техника ва йўллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Расмлар ва уларнинг номлари ёзилган карточкалар ёрдамида ўқишни ўргатиш. Масалан: расмни кўрсатиб, ўқувчилардан расм номи сўралади ва кўрсаткич бармоқ ёрдамида ҳарфларни бирма-бир чапдан ўнга йўналтириб ўқилади.

2. Ўқишни ўргатишнинг дастлабки босқичида дикодинг (**decoding**-кодни очиб ўқиш) ва инкодинг (**encoding**- кодлаш) усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу усуллар ўқувчиларнинг ўқишни ўрганишини бирмунча осонлаштиради. Дикодинг – бу, маъносиз сўзлар орқали ўқишни ўргатиш ва инкодинг – маъноли сўзлар орқали ўқишни ўргатиш, демакдир. Дикодинг усули ёрдамида дастлаб ҳарф бирикмалари ва содда сўзларни ўқиш машқ қилинади. Бунда ўқувчи ва ўқитувчининг эътибори сўзларнинг маъносига эмас, балки фақат ўқишни ўрганишга қаратилади.

Масалан: be, ce, de, fe, ge, he, je, ke, le, me, ne, pe, ce, re, se, te, ve, we, ze.

Фақат шуни эсда тутиш лозимки, дикодинг фақатгина ўқишга ўргатишнинг илк босқичида самаралидир.

Инкодинг усули ёрдамида эса ўқувчилар маъно англатувчи сўзларни ўқиш билан бирга, уларнинг таржимаси билан ҳам танишадилар. Ушбу усул ўқувчиларга ўқишни ўргатиш ва сўз-луғат бойликларини оширишга ёрдам беради.

Масалан: bat, cat, fat, hat, mat, rat.

Ушбу усуллардан ўқишни ўргатиш жараёнида турли самарали ўқиш техникалари ва методлари билан бирга фойдаланиш мумкин.

3. Аналитик фоникс (**Analytical phonics**) – ҳарфларни сўздаги товуш ифодаси орқали ўқиш. **Масалан:** 1-устунда ундош ҳарфлар, 2-устунда маълум бир ҳарф бирикмаси берилади. Бунда ўқувчилар ундош ҳарфларни турли ҳарф бирикмалари билан ўқишни машқ қиладилар ва кўникма ҳосил қиладилар. Масалан:

## в с d

4. Графофоникс (**Grapho phonic**) – сўздаги ҳарфларни алифбодаги номи билан ўқиш техникаси. Масалан: **d-o-g**. Ушбу техника ўқувчиларнинг ҳарф номлари ва сўзларнинг ёзилиш тартибини эслаб қолишларига ёрдам беради.

Чет тилида ёзувни ўрганишда ўрганилаётган тил воситалари (графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирикларнинг қўлланиши, яъни ёзиш техникаси) ва ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади. Ёзув грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёзма фикрни баён этишдир. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), орфография (имло) назарда тутилади. Имло – сўз ва гапларни ёзиш ҳамда уларга доир қоидалар йиғиндисидир. Шу ўринда хулоса қилиб айтганда, ёзма нутқни ўргатишда ёзув материали, ёзув таълим воситаси эканлиги, ёзма ишлар каби масалалар ҳал этилади. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган тил материаллари ва оғзаки нутқ мавзулари асосида ёзма фикр баён этишлари амалда татбиқ қилинган. Шу билан бирга кичик болаларга инглиз тилини тўғри талаффуз қилиб гапира олишида тинглаб тушуниш жуда муҳим.

Гапириш, нутқ фаолиятининг тури сифатида, оғзаки фикр баён этиш демакдир. Бу жараёни билдирувчи таърифдир. Гапириш – бу, машқлар бажариш, эшиттириш орқали ўргатилади. Нутқ малакаларини ўзлаштириш деганда, кичик ҳажмли содда бириклардан, яъни сўз, сўз бирикмаси ва гапдан бошланиб, йирик миқёсдаги мураккаб матнгача бўлган нутқ ҳодисаларини ўз ичига олган машқ бажариш жараёни тушунилади. Гапириш машқлар системаси кўникма ва малакани шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи омиллар вазифасини ўтайди.

Бошланғич даврдаги ўқувчиларда ёзма матн иштирок этмайдиган машқлар заминиде гапириш кўникма ва малакаси ўстирилади. Юқори синфларда эса, оғзаки матн (унинг ёзма шакли ҳам бўлади)га таяниб, гапириш машқлари ўтказилади. Оғзаки нутқни ўстиришнинг фақат мазмунига эътибор берилади. Ўқувчиларни гапиришга ўргатишда, уларнинг ёши ҳамда дунёқарашига эътибор берилган ҳолда,

сўзлар, иборалар ва матнлар танланади. Агарда ушбу танланган сўз ва сўз бирикмаларини ўқувчи видеопроектор ёки магнитофон орқали бир неча бор тинглаб, қайта-қайта такрорласа, унинг онгида тез сақланиб қолади ҳамда аниқ талаффуз қила олади. Болаларга чет тилида гапиришга ўргатишда кўплаб ўйинлардан фойдаланиш, нафақат мактаб ўқувчиларида, балки коллеж талабаларида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўйин жараёнида ўқувчи ўзи билмаган ҳолда ўрганилаётган тилда гапиради.

Нутқий машқларда тайёрланмаган ва тайёрланган нутқ (гапириш) содир этилади. Нутқий машқларнинг ўрни ўзлаштириладиган ўқув материали хусусияти билан белгиланади. Қийин ҳодиса кўп миқдорда машқ қилишга гирифтордир. Осон бирликнинг тақдимотда берилиши унинг нутқдаги тақдирини ҳал қилади, яъни унга кам вақт ва оз куч сарфланади.

Тайёрланмаган нутқни ўргатиш машқларида, ўқитувчи кунда ишлатиладиган сўз ва сўз бирикмаларини ёки шахс ва предметларни видеопроекторда бир неча бор такрорлаб қўйиб ўргатса, орада овозсиз қилиб кўрсатилганда, ўқувчилар ихтиёрий

равишда ушбу сўзларни баён этадилар. Кичик сўзлардан бошлаб, мультимедиялик фильмлар намойиш этилганда сўнг видеофильмларни ўқувчилар тез ўрганиб, гапира бошлайдилар.

Тайёрланган нутқий машқлар эса, гапириш малакаларини ўстиришга мўлжалланган бўлиб, унда таянч сўз, гапириш режаси, сарлавҳа кабиларга суяниб, фикрни ўзгартириб ва тўлдириб баён этишга қаратилган машқлардан иборатдир. Тайёрланмаган гапириш машқларининг тайёрланганлардан ижобий фарқи шундаки, биринчидан, уларда нутқий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган янги ахборот мавжуд ва, иккинчидан, ахборот алмашиш, мустақил фикр баён этиш, муносабат билдириш, баҳолаш, изоҳлаш сингари иш турлари ниҳоятда қизиқарлидир. Оғзаки нутқни ўстириш жараёнида йўл қўйиладиган хатоларни назорат қилиш ўқитувчи томонидан ва ўз-ўзини текширишнинг нутқ малакаларини эгаллашда аҳамияти катта. Нутқий машқларни бажариш чоғида хатони тўғрилаб туриш маъқул эмас, бу иш фикр баён этиб бўлинганидан сўнг қилинади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
2. Сатторов. Т. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси – Т., 2003.
3. Жалилов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи 1996.
4. Зарипов Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1986.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).